



# ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!

Birgalikda ijtimoiy davlat sari!

# O'zbekiston Ovozi

№31

2025-yil

6-avgust, chorshanba

1918-yil

21-iyundan chiqa boshlagan

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

t.me/uzbekiston\_ovozi\_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston\_ovozi

www.uzbovozi.uz

info@uzbovozi.uz



## СИЁСИЙ ПУЛЬС. МУНОСАБАТ



## УЛКАН САЛОҲИЯТДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНМОҚ КЕРАК

Бозорларимиздаги маъмурчилик, дастурхонларимиздаги тўкинлик ортида омилкор деҳқонларимиз меҳнати турганини барчамиз яхши биламиз. Қолаверса, табиати мўътадил, йилнинг 300 кундан ортиқ даври қуёшли бўлган юртимиз замини саховатли. Соҳибкор-боғбонларимиз етиштираётган мева-сабзавотлар мазасининг қиёси йўқ. Айни пишиқчиликда етиладиган сархил меваларимиз қишнинг қаҳратон

кунларида ҳам худди шохидан энди узилгандек барра ҳолда сотилиши, шифобахш резаворлар, ошкўклардан тортиб полиз маҳсулотларигача йил давомида бозорларимиздан узилмаслиги – бу мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги соҳасида илғор ёндашувлар миллий тажриба билан уйғунликда амалиётга татбиқ этилаётганини кўрсатади.

► (Давоми 2-бетда)

## ҲАР ОЙНИНГ ОХИРИДА ЭШИК ҚОҚИШ

халққа хизматнинг  
бир кўриниши

Депутатлик бу фақатгина парламентда қонунлар ёзиш ёки минбарларда нутқ сўзлаш эмас, халқнинг дардига дармон бўлиш билан амалга ошадиган фаолият тури ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, ҳар ой якунида парламент вакиллари қоғозлардан ҳоли ҳолатда аҳоли, яъни, сайловчилар билан учрашувлар ўтказилади. Парламентдаги мақомидан ҳақиқий ҳаёт сари йўналган эътибор эгалари бу сафар гапириш билан чегараланмайди, тинглайди, тақлифлар тайёрлайди, масалаларга ечим топади. Қисқа қилиб айтганда, одамларни рози қилиш йўлларига бош уради. Чунки депутат унга овоз берган халқнинг қўли, тили ва юрагидир.

► (Давоми 4-бетда)

## АДОЛАТ ҚўРҒОНИГА АЙЛАНАЁТГАН СУД ҲОКИМИЯТИ



5

## ПАРЛАМЕНТ МУҲОКАМАСИ

## ҚОНУНЛАРДА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЮКИ ОРТМОҚДА

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси ўтказилди. Анъанавий тарзда кун тартибидан ўрин олган масалалар кетма-кетлик асосида кўриб чиқилди. Шу кунги парламент минбарига тўртта масала муҳокама марказига қўйилди.

Қайсидир депутат сўз сўрайди, яна бир халқ вакили фикр айтади, муносабат билдиради. Ҳукумат вакили қонун ҳақидаги мулоҳазаларини тугатиши билан бошқа бир депутат сайловчилари, партия электорати манфаатларидан келиб чиқиб изоҳ талаб қилади ёки эътироз билдиради. Бу гал ҳам фаоллар қонун лойиҳасига нима сабабдан эҳтиёж борлигини ва ундаги меъёрларнинг мазмуни тушунтириб берилишини сўради.

► (Давоми 3-бетда)



## ИЖТИМОЙ ҲАЁТ



## ТИББИЁТДА 90 КУНЛИК ЎЗГАРИШЛАР

### СИФАТ ВА НАТИЖАДОРЛИК ГАРОВИ

Жорий йилнинг 7 май куни давлатимиз раҳбари тиббиётнинг бирламчи бўғини ва ихтисослашган муассасаларда хизматлар сифатини янада ошириш, дори воситалари истеъмолини тартибга солиш ҳамда тиббий таълимни такомиллаштириш бўйича устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида "Тиббиётда 90 кунлик ўзгаришлар" дастури бошланишини эълон қилган эди.

► (Давоми 7-бетда)

## СИЁСИЙ ПУЛЬС. МУНОСАБАТ

Хусусан, иссиқхона деҳқончилиги озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ҳажмини оширишда драйвер тармоқлардан бирига айланди. Лекин бугун бу тармоқ дуч келётган муаммолар ҳам бор. Қиш мавсумида иссиқхоналар эгалари иситиш мақсадлари учун экологик жиҳатдан зарарли, аммо арзон ёқилғилардан – кўмир ва мазутдан фойдаланишга мажбур бўлаётгани сир эмас.



# УЛКАН САЛОҲИЯТДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНМОҚ КЕРАК

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Бу эса яқин-атрофдаги ҳавонинг кескин ифлосланишига олиб келмоқда. Иссиқхона хўжаликларининг салмоқли қисми Тошкент вилоятида жойлашгани ҳолда уларда мана шу тажрибанинг қўлланилаётгани, неча йилдири, мазкур хўжаликлар атрофидаги ҳудудлар ва Тошкент шаҳри аҳолиси учун «тоза ҳаво» муаммосини келтириб чиқаряпти. «Пойтахт атрофида «яшил ҳалқа» ўрнига амалда иссиқхона хўжаликларидан иборат «кулранг ҳалқа» шаклланди», дея бонг ураётган экологларимиз хавотирини жон бор.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 30 июль кунини мева-сабзавот ва озиқ-овқат экспортини кўпайтириш масалалари муҳокамаси бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида экологик



вазиятдан келиб чиқиб, Тошкент вилоятидаги иссиқхоналар фаолиятининг ҳаво сифатига салбий таъсири билан боғлиқ муаммоларни узил-кесил ҳал қилиш вазифаси қўйилгани алоҳида эътиборга моликдир.

Таҳлилий-танқидий руҳда ўтган йиғилишда таъкидланганидек, ҳозирда юртимизда 5 минг 100 гектар иссиқхоналар бўлиб, сўнги етти йилда уларда етиштирилган маҳсулот ҳажми 110 минг тоннадан 546 минг тоннага кўпайган. Лекин тадбиркорлар кредит юки оғирлиги, ўғит нархи қимматлиги, узлуксиз газ таъминоти йўқлиги сабабли қийинчиликларга учраётгани ҳам кўз юмиб бўлмайдиган ҳақиқат. Хусусан, 600 гектардан ортиқ майдондаги иссиқхоналар фаолиятини тўхтатган, 128 гектари қарздорлик сабабли банк тасарруфига ўтган.

Давлатимиз раҳбари томонидан шу ва шу каби муаммоларнинг ечим йўлари оғир иссиқхона хўжаликларини қўллаб-қувватлаш юзасидан қатор чоралар белгилаб берилди. Эндиликда ички бозор билан бирга экспортга ҳам маҳсулот етиштириш мажбуриятини олган, табиий газда ишлайдиган иссиқхоналар қишки мавсумда газ билан кафолатли таъминланиши, кўмир ёки бошқа муқобил ёқилғига ўтган ҳолатда эса табиий газга қайтиш имконияти яратилиши, иссиқлик насослари технологиясидан фойдаланаётганларга харажатларнинг 20 фоизгача қисми, бу ишлар кредит ҳисобидан бўлса, кредит ставкасининг 4 фоизи қўллаб берилиши шулар жумласидан. Бундан буён иссиқхоналар учун ер солиғи қишлоқ хўжалиги ерлари ставкасида тўланиши, 2028 йилга қадар иссиқхона ишчилари учун ижтимоий солиқ ставкаси 12 фоиздан 1 фоизга туширилиши иссиқхоначиларни мамнун қилаётган яна бир янгилдикдир.

## ҲАР БИР ЭКСПОРТ БОЗОРИ МУҲИМ

Табиатга антропоген таъсирнинг тобора ортиб бораётгани, климат ўзгаришлари, сув танқислиги, геосиёсий қарама-қаршилиқлар туфайли савдо, инвестиция соҳаларида тўсиқларнинг мавжудлиги озиқ-овқат хавфсизлигига сезиларли даражада таҳдид солмоқда. БМТ маълумотларига кўра, ўтган йили Ер юзиде тўйиб овқатланмасликдан азият чеklangанлари сони 673 миллион кишини ёки дунё аҳолисининг тахминан 8,2 фоизини ташкил этди. 2,3 миллиард одам озиқ-овқат хавфсизлиги етарли даражада таъминланмаган шароитда яшаётганини ҳисобга олсак, вазиёт янада оғирроқ эканини англаш мумкин.

Ушбу глобал муаммога қарши юртимизда истиқболли чора-тадбирларни ишлаб чиқишга жиддий ёндашилмоқда. Йилига қарийб бир миллион нафарга ўсиб

бораётган аҳолининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини кафолатлаш, бунинг учун аграр сиёсатнинг самардорлигини ошириш мақсадиде бор куч ва имконият сафарбар қилиняпти. Ер ҳамда сув манбалари чекланган бир шароитда бу мақсадга эришиш осон эмас, албатта.

Юқориде келтирилган йиғилишда мамлакатимиз учун жаҳон аграр ва озиқ-овқат бозорларига интеграциялашувни ҳамда валюта тушумини таъминлаб берувчи тармоқлардан бири бўлган мева-сабзавотчиликни ривожлантириш масаласи атрофлича таҳлил қилинди. Кўшимча имкониятлар кўрсатиб берилди.

Унда келтирилишича, сўнги уч йилда мамлакатимизда 250 минг гектар пахта ва галла ерлари қисқартирилган ва озиқ-овқат маҳсулотлари учун ажратилган. 160 минг гектар янги боғ ва тоқзорлар барпо этилган, эскирган 107 минг гектар боғлар янгиланган. 1 миллиард долларлик 1 минг 500 та озиқ-овқат лойиҳаси ишга туширилган.

Мана шундай дадил ва жадал суръатдаги ислохотлар халқаро миқёсда ҳам муносиб баҳоланяпти. Яқинда Ўзбекистон БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти – ФАО Кенгаши аъзолигига сайлангани бунга мисол.

Дарҳақиқат, мева-сабзавотларимиз жаҳон бозориде қадрланади. Ташки бозорларда «Ўзбекистонда етиштирилган» деган бренд шаклланган. Айниқса, юртимиз қуритилган олхўри ва ўрик, шафтоли, майиз, гилос, дуккакли маҳсулотлар экспорти бўйича дунёда юқори ўринларда туради.

Жорий йилнинг биринчи ярмида



Ўзбекистоннинг озиқ-овқат экспорти 44 фоиз ўсиб, 1 миллиард 326 миллион долларга тенг бўлган. Экспорт географияси 16 та давлатга кўпайган.

Бироқ соҳада бу кўрсаткичларни янада ошириш бўйича улкан салоҳият мавжуд. Ахир, йиғилишда уруғ берилганидек, ҳар бир экспорт бозори, ҳар бир доллар иқтисодимиз учун муҳим. Чунончи, Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон озиқ-овқат маҳсулотлари экспортининг суръати бўйича бошқа ҳудудлардан ортада қолгани, Навоий вилояти эса ўтган йилги кўрсаткичларга етмагани, 21 та туманда бу борада ўсиш 70 фоизлик маррани ҳам эгалламагани танқид қилинди.

Ёки, бу йилги мева-сабзавот экспортининг 80 фоизи 5 та давлатга бўлган. Буюк Британия, Италия, Швеция, Япония, Ҳиндистон, Қатар каби талаб юқори ташки бозорларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кам экспорт қилинган. Бу эса ўз навбатида хориждаги элчихона ва консулхоналар, савдо маслаҳатчилари олдида ҳам долзарб вазибаларни қўяди.

Йиғилишда ҳудудлар кесимидаги таҳлиллар асосиде экспорт бўйича янги захира ва имкониятлар кўрсатиб ўтилди. Об-ҳаво инжиқлари ва мавжуд шароитга мослашиб, иссиқ ва совуққа, сувсизликка чидамли маҳсулотлар етиштиришга ўтиш ғоятда зарур. Биновбарин, соҳада эскича усулда ишлашдан воз кечиш, инновацион технологияларни кенг жорий қилиш вақти аллақачон келган.

Дейлик, ўтган йили ўлкамиз мева-сабзавот экспортининг 75 фоизи май-октябрга, бошқача айтганда, жаҳон бозори бу турдаги маҳсулотларга тўйинган даврга тўғри келган. Бозор қонунини шундай: тақлиф кўпайса, нарх тушади, камайса, нарх ошади. Демак, табиий ва тақдорланмас таъмига эга мева-

сабзавотларимизни қимматроқ сотиш, бир маромда етказиб бериш учун эса қайта ишлашни ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

## РИЗҚ-РЎЗИМИЗ ВА ФАРОВОНЛИК МАНБАИ

Мухтор ИЛҲОМОВ,  
халқ депутатлари Тошкент шаҳар  
Кенгаши депутати:

Ўзбекистон тўғридан-тўғри денгизга чиқиш имкониятига эга эмас, шу боис мева-сабзавотларни хорижий халидорларга сифатли етказиб бериш учун транспорт-логистика тизимларини такомиллаштириш, «яшил» йўлакларни барпо этишдан тортиб, маҳсулотлар имижини яратишгача бўлган жараёнда инновацион технологияларга талаб сезиляпти. Айниқса, пишиқчиликда мўл ва арзон бўлиб кетадиган мева-сабзавотларимизни қайта ишлайдиган корхоналарни кўпайтириш баробарида импортёр давлатлар томонидан маҳсулотларга қўйилаётган сифат, сертификатлаш, фитосанитария ва қадоқлашга оид талабларни бажариш экспорт ҳажми ва географиясини кенгайтиришнинг муҳим омилларидандир.

Йиғилишда бу йил жойларда 16 та замонавий қадоқ тайёрлаш корхонаси ишга тушгани, лекин бу етарли эмаслиги, экспортга чиқарилаётган мева-сабзавотларнинг атиги 18 фоизи замонавий қадоқланаётгани қайд этилди. Мутасаддиларга йил якунигача мазкур йўналишда яна 15 та корхонани ишга тушириш

вазифаси қўйилди. Бундан ташқари, ҳар йили ташқи бозорга 450 миллион долларлик ловия, мош, тарик ва нўхат чиқарилаётгани, ваҳоланки, дуккакли маҳсулотлар катта экспорт захираларимиздан бири экани, деҳқонларимиз етиштирган бу экинлар ҳосилини йиғиб-териб олишда ривожланган давлатлар тажрибасини қўллаш масаласига



ҳам тўхталиб ўтилди.

Бугунги кунда янги боғлар барпо қилиш ва эскиларини янгилаш учун 350 миллион дон серҳосил ва экспортбоп мева кўчатларига эҳтиёж бор. 16 та туманда ташкил этилган «Агростар» компаниялари шу мақсадга қаратилган. Улар ишни, аввало, шундан – уруғ, кўчат ва ўғитдан бошлаши кераклиги таъкидланди.

Шу боис «Агростар» компаниялари учун «in vitro» лабораториялари, мазкур туманларда сақлаш, қадоқлаш, саралаш ва қайта ишлашни ўз ичига олган замонавий агро мажмуалар барпо этиш бўйича масъулларга аниқ топшириқ берилди.



- Бугун сайёрамизда чўлланиш ва курғоқчиликнинг ортиб бораётгани ҳар бир давлат учун озиқ-овқат хавфсизлигини ҳаёт-мамат масаласига айлантирмоқда. Ушбу ҳолат қишлоқ хўжалиги, ичимлик сув таъминоти ва табиий экотизимларга жиддий таъсир кўрсатмоқда.

Видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари мана шундай мураккаб даврда энг бебаҳо ресурс – сувдан тежамкорона фойдаланиш ҳаётини зарурат эканига диққат қаратди. Юртимизда ҳозиргача 224 минг гектар экин майдонларида сувни тежовчи технологиялар жорий қилинган яхши самара бераётгани, натижада 420 миллион кубметр сув иқтисод қилиниб, кўшимча 65 минг гектарда мева-сабзавот етиштириш имконияти яратилгани эътироф этилди. Йил якунигача яна 10 минг гектар майдон томчилатиб ва ёмғирлатиб суғоришга ўтиши сувнинг ҳар бир томчиси қадрли бўлган ҳозирги кунда мақбул чоралардан биридир.

Дарахт экиб, боғ яратиш халқимизнинг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган, қадрли даражасига қўтарилган аъналаридан. Бу аъна нафақат атроф-муҳитнинг ободлиги ва яшилликнинг кенгайишига хизмат қилади, балки озиқ-овқат хавфсизлигида ҳам муҳим ўрин тутди. Юртимизнинг қайси манзилига борманг, қайси хонадонга кирманг, бир қарич ер бўлса ҳам, мевали дарахт экилгани ёки экин-тикин қилинганини кўрасиз. Ҳатто 2 сотихли томорқасидан йил давомиде қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириб, мўмай даромад олаётган омилор ҳамюртларимиз кўп. Улар ўз эҳтиёжидан оргганини бозорга олиб чиқиб, эл дастурхонига тортиқ қилмоқда, ризқ-рўз улашмоқда. Халқимизнинг толейини қаранги, еримиз унумдор, адашиб чўп сўксангиз ҳам кўқариб, ҳосил беради. Аслида буларнинг бари мева-сабзавотчиликни ривожлантириш ва деҳқонларимизнинг ўз маҳсулотларини экспортга чиқаришини янада жадаллаштириш учун бемисл имконият! Фақат бу имкониятдан оқилона фойдаланиш, мавжуд муаммолар ечимини пайсалга солмаслик керак.

Йиғилишда бу бўйича ҳукуматга экспортчи, иссиқхоначи ва мева-

сабзавот етиштирувчилар билан доимий мулоқотни йўлга қўйиб, давлат идораларига боғлиқ барча муаммоларини аниқлаб, жойида ҳал қилиб бориш вазифаси қўйилгани айни муддао бўлди. Ушбу вазибаларнинг сўзсиз ижроси қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш тармоқларида муқим, юқори ҳақ тўланадиган иш ўринларини яратишда, юртимиз аҳолисининг салмоқли қисми яшайдиган қишлоқ жойларда ишсизликни ҳамда камбағалликни камайитиришда қўл келади.

Фарида МАҲҚАМОВА,  
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

ПАРЛАМЕНТ МУҲОКАМАСИ

# ҚОНУНЛАРДА ИЖТИМОЙ ҚИММОЯ ЮКИ ОРТМОҚДА

► (Давоми. Боши 1-бетда)

## ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Озиқ-овқат инсон учун ҳаво ва сувдан кейинги энг муҳим эҳтиёждир. Шу маънода айтадиган бўлсак, ҳар бир фуқаронинг тоза ва соғлом овқатланишга ҳаққи бор. Қолаверса, сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига эга бўлиш истеъмолчилар ҳуқуқларининг ажралмас қисмидир. Аммо ҳозир озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ниҳоятда долзарб масалага айланди.

Кун тартибига кўра, дастлаб депутатлар томонидан "Озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳаси атрофлича кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан мазкур соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, принциплари, давлат органларининг ваколатлари аниқ белгилаб берилмоқда.

Озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлиги соҳасидаги санитария чоралари, қоида ва нормаларини ишлаб чиқиш ҳамда қўллаш тартиби эса халқаро қоида ва нормалар билан уйғунлаштирилмоқда.

Мажлисида қайд этилганидек, ушбу қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасининг шу йил 29 июль кuni бўлиб ўтган мажлисида кўриб чиқилиб, ундаги айрим нормалар, хусусан, мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларга тавсия этилмайдиган озиқ-овқат маҳсулотларининг маркетинг ва реклама маълумотлари болаларни қизиқтирмайдиган тарзда ифодаланиши ёки уларга қаратилган бўлмаслиги кераклигига оид модда қизгин баҳсларга сабаб бўлган эди.

Масъул кўмига томонидан депутатлар билдирган қатор таклифлар чуқур таҳлил қилиниб, улар асосида лойиҳадаги айрим нормалар такомиллаштирилди. Қонун лойиҳасида



аниқлаш тўғрисида Конституциявий судга мурожаат этганда, улар давлат ҳисобидан юридик ёрдам олишлари мумкинлиги белгиланмоқда.

Мажлисида қайд этилганидек, лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлаш давомида депутатлар томонидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар инобатга олиниб, унинг матнига аниқлаштирувчи, тахририй ҳамда юридик-техник характерга эга бўлган ўзгаришлар киритилди.

Қонун лойиҳасида белгиланаётган нормалар фуқароларнинг конституциявий одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтиришга, давлат ҳисобидан малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини таъминлашга ҳамда ижтимоий давлат тамойилларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

## РЕНОВАЦИЯ БИЛАН БОҒЛИҚ КАФОЛАТ ВА МАЖБУРИЯТЛАР АНИҚ БЕЛГИЛАНАДИ

Очиғи, охириги пайтларда уйлар бузилиши билан боғлиқ кўп муаммолар юзага келди,

ресурслари талаб этилмоқда. Сейсмик жиҳатдан заиф, эскирган ва фойдаланишга яроқсиз паст қаватли биноларни

**» РЕНОВАЦИЯ ҚУРИЛИШ МУДДАТИ ҚОНУН БИЛАН 2 ЙИЛ ЭТИБ БЕЛГИЛАНМОҚДА. АГАР ҚУРУВЧИ 2 ЙИЛДА ҚУРИБ УЛГУРМАСА, КЕЧИККАН ҲАР БИР КУН УЧУН МУЛҚДОРЛАРГА МУЛҚ ҚИЙМАТИНИНГ 0,5 ФОИЗИ МИҚДОРИДА ПЕНЯ ТўЛАЙДИ.**

реновация қилиш учун ҳуқуқий асосларни яратиш келгуси йилларда қуриладиган уй-жойларни камида 5-7 фоиз қисмини реновация ҳисобига амалга ошириш имкониятини беради. Натижада, замонавий қурилиш тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда реновация орқали тахминан 20 минг гектар ер тежаланиб, 4,5 миллион кишини уй-жой билан таъминлаш имконияти пайдо бўлади.

Мажлисида қонун ташаббускорлари қайд этганидек, ҳар йили 145 мингга турар жойга бўлган талабни қондириш учун 2019-2023 йиллар давомида ўртача 60 мингга, 2024 йилда эса 100 мингга янги турар жойлар қурилган бўлиб, бу борада ўсиб бораётган эҳтиёжларни қондириш учун кўшимча ер ресурслари талаб этилмоқда.

Шу сабабдан эскирган ва авария ҳолатидаги уй-жойларни қайта қуриш (реновация қилиш) орқали шаҳар ва маҳаллаларимизни ободонлаштириш, инфратузила объектларини замонавийлаштириш мақсадида мазкур қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Мажлисида шаҳарсозлик ҳужжатларига мувофиқ ҳудудларни меъморий, ижтимоий, иқтисодий ва экологик жиҳатдан яхшилаш, эскирган, яшаш ва фойдаланиш учун яроқсиз, авария ҳолига келиб қолган бино-иншоотларни янгилаш, қулай ва энергия самарадор ҳолатга келтириш мақсадида ишлаб чиқилиб, ҳукумат томонидан киритилган — "Шаҳарсозлик

уй қурилгунча сиз ижарада яшаб турадиган уйнинг ижара пулини ҳам қоплаб беради.

Шунингдек, реновация қурилиш муддати қонун билан 2 йил этиб белгиланмоқда. Агар қурувчи 2 йилда қуриб улгурмаса, кечиккан ҳар бир кун учун мулкдорларга мулк қийматининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди.

Лойиҳада турар ва нотурар жой мулкдорларига адолатли компенсация бериш тизими назарда тутилмоқда. Яъни, компенсация янги қуриладиган турар ва нотурар жой объектдан ёки бошқа жойдан мулк қилиб берилиши ёхуд турар ва нотурар жой объектларининг бозор қийматида пул маблағлари берилиши белгиланмоқда.

Яна бир аҳамият томони, қонун лойиҳасида ҳеч ким

- Тўғри таъкидлаганингиз, реновация ҳудудида асосан моддий имконияти чекланганлиги сабабли уй-жойни яхшилаш имкониятига эга бўлмаган аҳоли тоифалари тушиш эҳтимоли катта. Биз ҳисоб-китоб қилдик, оддий икки хонали уйни капитал таъмирлаш учун ўртача 50-60 миллион сўм маблағ талаб этилади. Албатта, эҳтиёжманд аҳолининг ҳаммасининг ҳам бунга имконияти етмайди.

Шунинг учун бу қонуннинг пировад мақсади - аҳолининг турмуш даражасини ошириш. Яъни, реновация лойиҳасини амалга оширишда эҳтиёжманд аҳоли нимага эга бўлади? Пул сарфламасдан янги, шинам уйга кўчади. Реновация пайтида у бошқа ҳудудга кўчиб кетадиган бўлса, вақтинчалик уй учун ижара тўловлари ҳам тўлиқ ташаббускор зиммасида бўлади. Шунингдек, кўчиб ўтиш билан боғлиқ бир марталиковон мол-мулки қийматидан келиб чиқиб тўланади.

Қизгин муҳокама қилинган давомида қонун ташаббускорлари депутатларнинг саволларига атрофлича тушунтиришлар бериб, билдирилган таклифлар қонун



реновацияда иштирок этишга мажбурланмаслиги ҳамда реновация иштироки билан боғлиқ принципига асосланиши мустаҳкамланмоқда. Яъни, шаҳарсозлик реновацияси лойиҳасини бошлаш учун барча ҳуқуқ эгалари билан нотариал тартибда келишув битими имзоланиши белгиланмоқда.

Шунингдек, лойиҳада шаҳарсозлик реновациясини амалга оширишда ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойдан бўлган аҳолининг эҳтиёжманд қатлами манфаатларига бевоғусита таъсир қилади. Чунки реновация ҳудудида асосан ўзини яшаш имкониятини яхшилашга шариқоти бўлмаган аҳоли қатлами иштирокати қилиб келмоқда. Фракцияимизнинг жиддий ҳавотири шундан иборатки, ушбу қонун лойиҳаси уларнинг вазиятини янада қийинлаштириб, мавжуд уй-жойдан ҳам маҳрум бўлиб қолишига олиб келмайdimи? Қонун лойиҳасида белгиланган тартиб, кафолатлар эҳтиёжманд аҳоли қатлами манфаатларини етарлича ҳимоя қила оладими?

**Муҳокама жараёнида ЎзХДП фракцияси аъзоси Дилбар МАМАЖОНОВА шундай савол берди:**

- Халқ демократик партиясининг электорати кам таъминланган, эҳтиёжманд қатлам ҳисобланади. Ушбу қонун лойиҳаси электоратимиз бўлган аҳолининг эҳтиёжманд қатлами манфаатларига бевоғусита таъсир қилади. Чунки реновация ҳудудида асосан ўзини яшаш имкониятини яхшилашга шариқоти бўлмаган аҳоли қатлами иштирокати қилиб келмоқда. Фракцияимизнинг жиддий ҳавотири шундан иборатки, ушбу қонун лойиҳаси уларнинг вазиятини янада қийинлаштириб, мавжуд уй-жойдан ҳам маҳрум бўлиб қолишига олиб келмайdimи? Қонун лойиҳасида белгиланган тартиб, кафолатлар эҳтиёжманд аҳоли қатлами манфаатларини етарлича ҳимоя қила оладими?

**Ушбу саволга Адлия вазирининг ўринбосари Маҳмуд Истамов шундай жавоб берди:**

лоийҳасини иккинчи ўқишда маромига етказишда инобатга олинишини таъкидлашди. Қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

## БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ УСТУВОР МАСАЛА

Ялли мажлисида болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан муҳокама қилинди.

Қонун лойиҳасида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларини етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ҳамда муқобил жойлаштириш шакллари бериш борасидаги ваколатлари белгиланмоқда.

Болаларга тарбия, таълим бериш ва соғлигини сақлаш бўйича масъул шахсларга ўз мажбуриятларини бажармаганлик учун маъмурий жавобгарликни белгилаш назарда тутилмоқда. Шунингдек, вазий ёки ҳоимини белгилаш ваколатининг ҳоимлардан "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази директориға ўтказиш таклиф этилмоқда.

Лойиҳада нотариуслар зиммасига болани фарзандликка бериш (олиш), болани васийликка ёки ҳоимликка бериш ҳақида аризадаги имзонинг ҳақиқийлигини шаходатлаш бўйича мурожаат қилинган тўғрисидаги маълумотларни "Инсон" ижтимоий хизматлар марказларига тақдим этиб бориш мажбуриятини юклатиш белгиланмоқда.

Мажлисида қонун лойиҳасининг қабул қилиниши болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиши таъминлашга хизмат қилиши таъкидланди.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

**Лазиза ШЕРОВА, "Ўзбекистон овози" мухбири.**



белгиланаётган нормалар озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларни Жаҳон савдо ташкилати қоидалари ва халқаро стандартларга мувофиқ тартибга солиш, соҳада давлат бошқаруви ва назорати механизмларини замон талаблари асосида такомиллаштириш ҳамда ваколатли давлат органларининг вазифаларини аниқ белгилашга хизмат қилади.

Қизгин муҳокама қилинган давомида қонун лойиҳаси қабул қилинди.

## КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ШАХСЛАР ДАВЛАТ ҲИСОБИДАН ЮРИДИК ЁРДАМ ОЛИШИ МУМКИН

Кун тартибига кўра, депутатлар кам таъминланган шахсларга давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда модда-модда кўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар тоифаси кенгайтирилмоқда. Хусусан, кам таъминланган шахслар муайян ишда ўзига нисбатан суд томонидан қўлланилган қонуннинг Конституцияга мувофиқлигини

мурожаат кўпаиди, одамларимизда норозилик кайфияти келиб чиқди. Чунки, фуқароларнинг давлат эҳтиёжлари учун, дея олиб кўйилган ҳовлилари ўрнида кўп қаватли уйлар тикланди. Ўртада инсонлар сарсон-саргардон бўлди, вақт ва асаб кетди. Аслида ҳеч ким бировнинг уйини шунчаки келиб бўза олмайди. Бунинг талаблари, қонунан тасдиқланган меъёрлари бор.

Мажлисида қайд этилганидек, республикада 42 мингдан ортқ кўп квартиралли уйларни ўз ичига олган турар жой фонди мавжуд бўлиб, уларнинг қарийб 31 мингга 1991 йилгача қурилган ҳамда 17 минггача 2-3 қаватдан иборат.

Шу билан бирга, ҳар йили 145 мингга турар жойга бўлган талабни қондириш учун 2019-2023 йиллар давомида ўртача 60 мингга, 2024 йилда эса 100 мингга янги турар жойлар қурилган бўлиб, бу борада ўсиб бораётган эҳтиёжларни қондириш учун кўшимча ер

реновацияси тўғрисида"ги қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида концептуал жиҳатдан биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан шаҳарсозлик реновацияси асослари ва мақсадлари, мажбурий шартлари, асосий принциплари, реновация босқичлари, бу борада лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тартиби, соҳада давлат бошқаруви асослари белгиланмоқда.

Маълум қилинишича, қонун лойиҳаси уйи реновацияга тушган мулкдорларга бир қатор кафолатлар бермоқда. Масалан, сиз яшайдиган кўп квартиралли уй реновацияга тушди. Қурувчи икки йил муддат ичида янги уйни қуриши, ўша уйдан сизга эски уйингизнинг ҳажмидан кам бўлмаган ва тайёр таъмирланган хонадонни пастки қаватдан бериш мажбуриятини олади. Бундан ташқари, қурувчи янги

**» ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТИНИНГ ХАВФСИЗЛИГИ СОҲАСИДАГИ САНИТАРИЯ ЧОРАЛАРИ, ҚОИДА ВА НОРМАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ҚўЛЛАШ ТАРТИБИ ЭСА ХАЛҚАРО ҚОИДА ҲАМДА НОРМАЛАР БИЛАН УЙГУНЛАШТИРИЛМОҚДА.**

# ҲАР ОЙНИНГ ОХИРИДА ЭШИК ҚОҶИШ

## Халққа хизматнинг бир кўриниши

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Халқ ноиблари айна шу кайфият билан жорий йилнинг 30 июль ва 2 август кунлари сайлов округларида бўлиб, одамларнинг дардига қўлоқ тутди. Ижтимоий соҳа объектиларида назорат-таҳлил тадбирлари олиб борилди. Улар бу сафар қандай масалаларга дуч келди? Жамият ҳаётини янада яхшилаш, одамларга қўлайликлар яратиш ва муаммоларни ҳал қилиш бўйича қандай таклифлар илгари сурилди? Бир нечта ҳудудлар мисолида бу саволларга жавоб топишга ҳаракат қиламиз.

## ТИЗИМ “ҒИЛДИРАГИ”НИ АЙЛАНТИРУВЧИ ТАКЛИФ



**Андижон Ўзбекистоннинг ҳудудий жиҳатдан энг кичик бўлишига қарамай, аҳоли сифими бўйича биринчи ўринда турадиган, жуда зич вилоят саналади. Ҳудуднинг тор географик чегараси аҳолининг кўпайиши билан биргаликда бир қатор ижтимоий-иқтисодий муаммоларни юзага келтириши ҳам табиий жараён. Масалан, хизматларга бўлган юқори талаб натижасида инфратузилма имкониятларига юклама ортиши мумкин. Бу эса давлат хизматларидан фойдаланишда ҳақли эътирозларга сабаб бўлади.**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Анвар Нурматов ҳам ана шундай масаладаги муурожаат билан юзма-юз келди. Депутатнинг шу ойги ҳудудий ўрганишларида кадастр хизмати ходимлари томонидан хатлов ишларини олиб боришда тасдиқланган маҳаллалар режасидан ортада қолинаётгани маълум бўлди. Гап шундаки, бирор-бир ернинг харитаси қоғозда чизилган бўлса-да, уни ҳужжатлаштиришга келганда эса ортага суришлар кузатишмоқда.

Бу кечикишнинг асосий сабабларидан бири кадастр муҳандислари ҳар кунги тушаётган аризалар босимида қолган, қурилиш ишлари эса тобора ортиб бормоқда. Иккинчи томондан, ҳар бир янги бино ва иншоот — бу ўлчовчилар учун ортиқча иш, ортиқча вақт, ортиқча босим демакдир. Жойларда алоҳида ўлчаш ва чизмалар чизиб жуда кўп вақт талаб этмоқда. Натижада одамлар амалда бор нарсанинг қоғозда тасдиқланиши ортидан сарсон бўляпти.

Депутат бу ҳолатни инобатга олиб, режалаштириш жараёнини тезлаштириш ва белгиланган мuddатларни ўтказиб юбормаслик учун амалий ечим таклиф қилди.

— Масалан, хариталаш жараёнлари фақат ер майдонининг чегараларини аниқлаш билан чекланиб туриши керак, — дейди **Анвар Нурматов**. — Яъни, дастлаб биноларни батафсил ўлчаш ўрнига, Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланган маъмурий меъёрларга мувофиқ равишда бинолар ва иншоотлардан фойдаланиш асосга олиниши ўринли бўлади, деб ўйлайман. Бунда ер майдонига нисбатан ҳуқуқ этироф этилган сўнг белгиланган маъмурий регламенга асосан бино ва иншоотларни фойдаланишга қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

Шу тарзда, ерга эгалик ҳуқуқи ўз вақтида ҳужжатлаштирилади, бинолардан фойдаланиш эса кейинчалик қонун-қоидалар асосида олиб борилади. Бу ечим орқали на халқнинг мулк ҳуқуқи кечикади, на давлатнинг режалаштириш ишлари тўхтади. Қисқаси, тизимнинг “ғилдираги” ўз вақтида айлана бошлайди, ишда барака ва унум бўлади.

## ХАЛҚ КОРИГА ЯРАЙДИГАН НАТИЖА

**Ургант, Булунғур, Жомбой бу партиядан сайланган яна бир депутатнинг учрашув ўтказган ҳудудлари рўйхати. ЎзХДП фракцияси аъзоси Жамол Очилов ҳам ўтган ҳафта якунида Самарқанд вилоятидаги сайловчилар билан мулоқотлар ўтказди. 10 дан ортиқ учрашувда 15 га яқин масала кўтарилди. Аҳоли вакиллари бандлик, тиббий хизмат, даволаниш учун йўланма, ижтимоий хизматлар сифатини яхшилаш каби кундалик ҳаётининг эҳтиёжлари юзасидан муурожаатлар қилди. Эътиборлиси, муурожаатларнинг асосий қисмига жойида ечим топилди. Туман ҳамда вилоят даражасидаги масалалар эса белгиланган тартибда ва вақтда ҳал этиладиган бўлди.**

— Ҳар сафар ҳудудларга учрашувларга чиққанимда бахтли, хотиржам яшаш учун юртдошларимизга кўп нарса керак эмаслигига такрор ва такрор гувоҳ бўлман, — дейди депутат **Жамол Очилов**.

Кимдир ишга киришда ёрдам сўраса, яна кимдир кўчасини асфальтлашда кўмак кутади. Депутат эса халқ хизматчиси, унга ёрдам қўли етиб бориши учун муҳим воситачи. Бу ишлар бир боланинг мактабга қийинчиликсиз қатнаши учун йўлни асфальтлаштиришдан тортган, онахоннинг тиббиёт масканига тез ҳамда осон етиб олиши билан боғлиқ барча масалани қамраб олади. Баъзида эса давлат идорасидаги бирор муаммони ҳал этиш, айрим ҳолларда маҳаллага сув олиб келишга кўмаклашиш ҳам ишимизнинг бир парчаси саналади. Халқ бизга парламент деворлари ичида ёзган қонунларимиздан кўра, уларнинг ҳаётининг эҳтиёжларини таъминлашга бош қўйиш масаласидаги хизматларимизга қараб баҳо беради. Оғзаки ваъдаларимиз, ҳужжатларни тасдиқлашимиз эмас, амалий натижалар уларда ишончли оширади.

Масалан, Жомбой туманидаги ҳолатни олайлик. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг “Инсон” маркази томонидан ногиронлиги бўлган шахсларга ваучер

ассосида ногиронлик аравачаларини буюртма бериш амалиёти йўлга қўйилган. Бироқ бу амалиёт баъзи муаммоларни ҳам қаршимизга чиқармоқда. Гап шундаки, ҳозирги кунда берилаётган аравачалар 110 килогача бўлган кишиларга мўлжалланган. Натижада ушбу ваздан ортиқ бўлган шахслар улардан фойдалана олмапти. Шу сабабли фуқароларнинг эҳтиёжларини ўрганган ҳолда тадбиркорларга буюртма бериш тизимини йўлга қўйиш керак, деб ўйлайман.

Иккинчи бир масала шуки, агентлиkning “Инсон” маркази томонидан ёшга доир пенсия олувчи эр ва хотинларга санаторийга рўйхатга бир вақтда ариза топширилгани ҳисобга олиниб, айна саналарга белгиланган тартибда йўланмалар бериш тартибини жорий қилиш ҳақида ҳам муурожаатлар бўлди. Ушбу масала юзасидан “Инсон” марказлари фуқаролар билан келишиб, уларнинг эҳтиёжларини ўрганган ҳолда амалга оширилса, мақсадга мувофиқ бўлади, менимча. Бу борада тегишли ташкилотларга таклифларимизни бердик. Умид қиламанки, навбатдаги учрашувлар ҳам халқ корига ярайдиган натижалар билан ниҳояланади.

## ЯРИМ АСРЛИК МУАММО ҲАЛ ЭТИЛДИ

**Мирзачўл тумани ташкил топганига ярим асрдан ортиқроқ вақт бўлди. Кескин континентал иқлимга эга бўлишига қарамай, бу вақт давомида ҳудудда талайгина ўзгаришлар амалга оширилди. Айниқса, сўнгги йилларда бу ислохотлар бор бўй-бастини билан намойён бўлмоқда. Биламизки, аҳоли сони динамикаси иқтисодий-ижтимоий ривожланишнинг суръатига таъсир қилувчи омиллардан биридир. Зеро, ўсиш бу эҳтиёжнинг ҳам ортиши, демакдир. Айниқса, ижтимоий соҳа объектиларига, хизматларига бўлган талаб анча юқори. Жиззаҳда ҳам айна ҳолат кузатилаётганини таъкидлайди фракциямиз аъзоси Мўқаддас Ўрозалиева.**

Бунга Мирзачўл тумани тиббиёт бирлашмаси мисолида назар солсак. Маълум бўлишича, у 1974 йилда ташкил топган бўлиб, тумандаги 48 801 нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда.

Тиббиёт бирлашмаси 115-ўринли туман марказий шифохонаси, 250 қатновга мўлжалланган кўп тармоқли марказий поликлиника, шунингдек, ҳар бири 100 қатновга мўлжалланган 2 та оилавий поликлиника ҳамда ҳар бири 50 қатновга мўлжалланган “Ипак йўли” ва “Гулзор” оилавий шифокорлик пунктларини ўз ичига олади.

— Мирзачўл тумани тиббиёт бирлашмасининг қабул бўлими биринчи, унинг таркибидаги 6-ўринли реанимация бўлими эса иккинчи қаватда жойлашган экан, — дейди депутат **Мўқаддас Ўрозалиева**. — Бино ўтган асрда қурилгани учун замонавий имкониятлардан бебаҳра қолган. Яъни, лифт ўрнатилган бўлса-да, шу кунгача бу иш якунига етмаган. Ваҳоланки, бу вақт орасида ҳамда бир неча бор капитал таъмирланган, янги тиббий анжомлар билан жиҳозланган. Бироқ бу масала ортага суриб келинган.



## ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ БҮЙИЧА ЭШИТУВ РЕЖАЛАШТИРИЛДИ

**Йўллар ҳаётининг эҳтиёжларимиздан бири саналади. Чунки улар орқали манзиллигимизга етамиз. Бироқ ҳудудлардаги айрим йўлларда фуқароларнинг хавфсиз ҳаракатланиши учун етарли шарт-шароит яратилмагани аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Бу каби норозиликларни фуқаролар томонидан ижтимоий тармоқларда билдириладиган кўплаб фикр ва муносабаларда ҳам кузатиш мумкин. Ушбу масала сайлов округларида депутатлар ўтказган учрашувларда ҳам муҳокама қилинади. Сайловчилар томонидан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасида кўплаб муурожаат ва таклифлар илгари сурилади. ЎзХДП фракция аъзоси Улўббек Шерматов уларнинг ҳавоирисида асос бор эканини қайд этди.**

— Қачонки йўлларимиз раван бўлса, манзиллигимиз яқинлашади. Ҳаракат хавфсизлиги таъминланса, хотиржамлигимиз ортади. — дейди депутат.

— Чунки бир оиланинг ҳаловати ишга ёки ўқишга кетган яқинларининг соғ-саломат уйга қайтиши билан боғлиқдир. Бу эса хоҳлаймизми, йўқми йўлларнинг талабга жавоб бериш даражаси билан ҳам ўлчанади. Аҳоли вакиллари билан учрашувларда йўл чизилари ва белгилар, ер ости ёки ер усти пидедалар

йўлакларни мавжуд эмаслигидан шикоятлар эшитамиз. Баъзи аҳоли яшаш жойларида транспорт воситаларининг юқори тезликда ҳаракатланиши ҳақидаги эътирозлар ҳам ўринсиз эмас.

Шундан келиб чиқиб, таҳлилий назорат тадбирларини олиб бордик. Ушбу масала бўйича ўтказилган ўрганишларда йўл инфратузилмасининг лозим даражада ташкил этилмагани сабабли инсон ҳаётига хавф солувчи кўплаб йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлаётгани маълум бўлди. Шунингдек, тирбандликлар ва ҳаракат хавфсизлиги билан боғлиқ қатор масалалар аниқланди. Муаммолар ечимини таъминлаш учун ҳуқуқий асосларимиз эса етарли.

Хусусан, 2022 йил 11 февраль куни Президент раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини камайтириш бўйича Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматида қатор вазифалар юклатилган эди. Бундан ташқари, Президентнинг 2022 йил 4 апрелдаги қарори билан Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳузурида “Хавфсиз йўл ва хавфсиз пиёда” республика жамғармаси ташкил этилган.

Ушбу жамғарма маблағлари шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчаларида йўл чизиларини чизиб, йўл ҳаракатини

ташкил этишнинг техник воситаларини ўрнатиш, йўл инфратузилмасини ривожлантириш йўналишидаги лойиҳаларни молиялаштириш каби максдалар учун сарфланиши белгиланган.

“2022 — 2026 йиллар давомида республика ҳудудида амалга оширилиши мўлжалланган “Хавфсиз ва раван йўл” умуммиллий дастури”да эса йўл инфратузилмасини тақомиллаштириш ва хавфсиз ҳаракатланиш шароитларини яратиш орқали йўлларда авария ва ўлим ҳолатларини кескин қисқартириш, шу жумладан, ҳаракатни бошқариш тизимини тўлиқ рақамлаштириш ва жамоатчиликнинг ушбу соҳадаги ишларида кенг иштирокини таъминлашга қаратилган вазифаларни амалга ошириш назарда тутилган. “Ўзбекистон-2030” стратегиясининг 87-мақсадида ҳам жиддий оқибатлар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисалари сонини камида 50 фоизга камайитириш белгиланган.

Бугунги кунга қадар нима ишлар қилинди? Қандай чоралар кўрилмоқда? Нега ҳануз муаммонинг илдирига тўлиқ етиб боришнинг имкони бўлмаяпти? Шу каби саволларнинг жавоби табиийки тегишли мутасаддиларда. Аниқланган камчиликлардан келиб чиқиб, ушбу масала бўйича йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга жавобгар субъектларнинг ахборотини фракция йиғилишида эшитиш режалаштирилган. Умид қиламанки, улардан олинандиган жавоблар сайловчилар ҳузурига ёруғ юз билан боришимизни таъминлайди.

**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,**  
“Ўзбекистон овози” муҳбири.



**ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!**

# АДОЛАТ ҚЎРҒОНИГА АЙЛАНАЁТГАН СУД ҲОКИМИЯТИ



Убайдулла МИНГБОВ,  
Ўзбекистон Судьялар ассоциацияси раиси,  
Ўзбекистон Республикасида хизмат  
кўрсатган юрист.

**Жамиятда инсон кадр-қимматини, барча соҳада қонун устуворлигини, адолат ва ижтимоий тенглик тамойилларини мустақамлаш мустақил ҳамда кучли суд ҳоқимиятини шакллантиришни тақозо этади. Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ ушбу мақсад йўлида жиддий қадамлар қўйилди. Мамлакатимизда суд ҳоқимияти ва судьялар мустақиллигининг ҳуқуқий-ташкилий механизмлари яратилди. Тизим том маънода либераллаштирилиб, инсонпарварлик ғоялари билан такомиллашди. Судларни одамларни жазоловчи орган эмас, балки уларнинг қонуний манфаатлари ҳимоячисига айлантиришга бел боғланди. Ҳали жазосини бекор қилиш, «Хабеас корпус» институтини жорий этиш, адвокатуранинг ролини ошириш чора-тадбирлари одил судловни таъминлаш жараёнини жадаллаштирди.**

Тарихий манбалар шунини кўрсатадики, 1917 йилга қадар юртимиз ҳудудда мустақил суд ҳоқимияти мавжуд бўлган. У халқ ва давлат тизимлари томонидан эътибор этилган, адолатпарварлик ва қонунийликнинг кафолати сифатида ажралиб турган. Туркистон ўлкасида минг йиллар давомида шаклланиб келган, халқнинг ишончини қозонган бу ҳоқимият 1917 йилнинг октябрида юз берган сиёсий тўнтаришдан кейин бутунлай йўқ қилиб юборилган. 1924 йилда Ўрта Осиё халқларига қулайлик яратиш мақсадида эмас, балки Марказдан туриб бошқариш осон бўлиши учун миллий чегараланиш сиёсати амалга оширилган. Натижада РСФСР Олий судининг Туркистон бўлими тугатилиб, Ўзбекистон ССР Олий суди ташкил этилади.

Афсуски, етмиш йилдан ортқ давом этган мустақил тузуми даврида қонунлар мавжуд бўлса-да, улар фақатгина номигагина қоғозда ёзилганича қолиб келди. Амалда эса суд органи тўлиқ

ҳукмрон мафкура таъсирида бўлди. Табиийки, бундай вазиятда суд ва судьянинг мустақиллиги ҳақида гапириш ортқча баҳоланар эди. Ҳақ пайтдаги қонунларда “судлар қонунга буйсунади” деган сўзлар гўёки одамларга ишонч бағишлаш учун алдов руҳида ёзилган қуп-қуруқ жумла эди, холос.

Бундан ташқари, шўро даврида амалда бўлган бирорта Конституцияда суд ҳоқимияти тўғрисида мутлақо эслаб ўтилмагани ҳам тасодифий ҳол эмас. Чунки суд тоталитар, маъмурий буйруқбозлик тузумининг бошқариш осон бўлган таркибга, зўравонлик сиёсатини ўтказиш куралига айлантирилган эди. Бу эса тоталитар тузум сиёсатининг бир қисмига айланиб, Ватанимиз бошига қирғинбаротларни келтиргани тарихдан маълум.

Яқин ўтмишда, яъни, 1933-1953, 1972-1977, 1983-1989 йилларда бўлиб ўтган катагон сиёсатдаги тазйиқлар Олий судни ҳам четлаб ўтган эмас. Бу оғир даврларда

кўплаб миллат ойдинлари, маърифатпарвар ҳадидчилар, таниқли давлат хизматчилари ҳамда диний улаомлар асосиз равишда суд қилиниб, оғир жазоларга тортилган. Уларнинг айримларига ҳатто суд ҳукми эълон қилинмасдан туриб, ўлим жазоси ижро этилган. Шундай даврлар бўлдики, Олий суд раҳбари, айрим судьялари ҳам ноҳақ тўхтаб тураб, инсоннинг ҳаёт кечирishi учун оғир бўлган шароитларда жазо ўташга маҳкум қилинди. Марказ томонидан

катагонлик сиёсати қораланиб, бундай бедодликларга бошқа йўл қўйилмаслиги ваъда берилган бўлса-да, одил судлов ташқаридан қилинадиган тазйиқлардан ҳимоя этилмади, аввалгидек қарам ва ҳуқуқсиз бўлиб қолаверди.

Шукрлар бўлсинки, Ўзбекистонимиз мустақилликка эришиб, ўз тараққиёт йўлини танлаб олди. Шахсан мен қалбимда бир умр нақшланиб қолган мўтабар сана – 1991 йилнинг 31 август кунини ифтихор билан эсламан. Чунки худди шу кун “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Шундан сўнг юртимизда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига мувофиқ ҳолда суд-ҳуқуқ ислохотлари амалга оширилди бошланди.

Мустақил суд ҳоқимияти вужудга келгани, Конституциявий суд ва Харбий судларнинг ташкил этилиши, судьялар ҳамжамяти органларининг суд тизимини такомиллаштириш борасидаги ҳаракатларини бирлаштириш мақсадида Ўзбекистон Судьялари ассоциациясининг тузилиши, юқори малакали судьялар корпусини шакллантириш учун масъул бўлган орган макондаги Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг ташкил этилиши, суд тизимини бошқаришдаги бир-бирини тақдорловчи функцияларга барҳам бериш ҳамда ягона суд амалиётини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик судларининг бирлаштирилиши, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиغان низоларни кўриш ваколатига эга бўлган маъмурий судларнинг йўлга қўйилиши соҳадаги изчил ислохотларнинг ёрқин намунаси. Қувонарлики, бу рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин.

Ўзбекистонда суд ҳоқимиятининг ҳуқуқий асосларини мустақамлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар 2017 йилда янада туб ислохотларга йўл очди. Боиси ўша йили 13

июнь кунини Президентимиз Шавкат Мирзиёев судьялар билан очиқ мулоқот ўтказиб, юртимизнинг 1 минг 300 нафар судьяси олдида «Судларни адолат қўрғонига айлантирайлик», деган талабни қўйди.

Давлатимиз раҳбарининг “Судьянинг онгида адолат, тилида ҳақиқат, дилида поклик устувор бўлиши шарт!” деган ҳаётий ҳақиқат ва фалсафий мазмун касб этган сўзларидан сўнг тизимда инқилобий ўзгаришлар рўй берди. Ҳақ учрашувда давлатимиз раҳбари билан ёнма-ён ўтириб, у кишининг судлардан фақат адолат кутаётганини, суд ҳоқимиятининг фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги роли ва аҳамиятини тубдан яхшилаш учун камарбаста бўлаётганини ҳаммадан кўра кўпроқ ҳис қилганман.

Ислохотлар самараси ҳақида гап кетганда, суд ҳоқимияти томонидан чиқарилаётган оқлов ҳукмлари тўғрисида тўхталмасликнинг асло иложи йўқ. Сўнгги етти-саккиз йил мобайнида судлар томонидан 6 минг 700 нафарга яқин шахсга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилди. Таққослаш учун яна бир маълумот: ўтган асрнинг 90-йиллари бошида мустақил Ўзбекистон Олий судининг ташаббуси билан мустақил тузум даврида “Пахта иши”, “Ўзбеклар иши” деб номланган, гўёки аксилинқилобий ҳаракатлар қилишда айбланган уч минг нафарга яқин шахс асосиз айбланган, деб топилди оқланган.

Давлатимиз раҳбари оқлов ҳукмлари тўғрисида тўхталар экан, “Мен Президент сифатида, судьяларнинг бундай жасорати ва қатъиятини бундан кейин ҳам тўлиқ қўллаб-қувватлайман”, деган гаплари судьяларимизга куч ва рағбат бағишлади.

Адолатни қарор топтириш, аҳолининг суд идораларидан розилигига эришиш ўта масъулиятли ва шарафли вазифа. Судьялик бурчи ва виждон амрига содиқ қолиб, судни том маънода адолат қўрғонига айлантириш эса осон иш эмас. Лекин сўнгги йилларда соҳада кечаётган жадал суръатдаги янги ислохотлар кишилар қалбига умид ва ишонч ҳиссини бахш этадиган мана шундай эпкинларга кенг йўл очмоқда. Зотан, ҳар қандай жамиятнинг тараққиёти одил судлов сифати билан чамбарчас боғлиқ. Адолат ва қонун устуворлигини кафолатлаш тараққиётнинг тамал тоши ҳисобланади.



ЎЗБЕКИСТОНДА СУД ҲОКИМИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ МУСТАҚАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР 2017 ЙИЛДА ЯНАДА ТУБ ИСЛОХОТЛАРГА ЙЎЛ ОЧДИ. БОИСИ ЎША ЙИЛИ 13 ИЮНЬ КУНИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ СУДЬЯЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ ЎТКАЗИБ, ЮРТИМИЗНИНГ 1 МИНГ 300 НАФАР СУДЬЯСИ ОЛДИГА «СУДЛАРНИ АДОЛАТ ҚЎРҒОНИГА АЙЛАНТИРАЙЛИК», ДЕГАН ТАЛАБНИ ҚЎЙДИ.

# ТАЪЛИМ ВА ЁШЛАР – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ПОЙДЕВОРИ



Малика РАШИДОВА,  
Ўзбекистон ХДП Марказий  
Кенгаси бўлим мудири:

— Мустақиллик – бекиёс неъмат, у халқимизнинг нафақат давлатчилик тимсоли сифатида, балки миллий ўзлигини, маънавиятини, қадриятларини тиклаш ва янги босқичга олиб чиқишда катта аҳамиятга эгадир.

34 йилда мамлакатимизда таълим соҳасини ислоҳ этишга

қаратилган давлат сиёсати фақат замонавий талабларга жавоб бериш билан чекланиб қолмади, балки халқимизнинг асрий орзулари, маънавий эҳтиёжлари ва миллий руҳияти билан ҳам чамбарчас боғлиқ бўлди. Бугун таълим соҳаси фақатгина бир йўналиш эмас, балки жамият тараққиётининг асосий мезонига айланмоқда.

Ҳозирги кунда олиб борилаётган ислохотлар, хусусан, ёш авлодда интеллектуал салоҳият, миллий ўзлик, тарихий хотира ва замонавий билимларга интилиши рағбатлантириш – янги давр талаби сифатида ҳаётга жорий этилмоқда.

Айниқса, қамров даражасидаги ўсиш рақамлари ўзига хос тараққиёт салоҳиятини акс эттиради. Мактабгача таълим қамрови сўнгги етти йил ичида 27 фоиздан 77 фоизга, олий таълим қамрови эса 9 фоиздан 42 фоизга етди. Бу рақамлар ортида – юз минглаб фарзандларимизнинг маърифатга, тенг имкониятларга, замонавий билимга эришиш йўлидаги орзу-умидлари мужассам.

Президент мактаблари, ихтисослаштирилган ва ижод мактаблари каби янги авлод таълим муассасалари



тизими яратилди. Ушбу муассасалардаги таълим нафақат юқори савиядаги билим беришни, балки ёшларнинг ҳар томонлама баркамол шахс сифатида шаклланишини таъминламоқда.

Замонавий фан, ахборот технологиялари, инновациялар, чет тиллари, тадбиркорлик соҳаларида билим олаётган ёшларимиз халқаро олимпиадаларда муносиб иштирок этиб, юртимиз шарафини юксакка олиб чиқмоқда. Бу эса таълим ислохотларининг узвий натижасидир.

Ҳақиқатан ҳам, бугун таълимга берилаётган кенг эътибор – бу соҳага қилинган сармоя эмас, балки келажак авлодга, Янги Ўзбекистоннинг пойдеворида қўйилаётган ишонч ва масъулиятдир.

Мустақилликнинг 34 йиллиги арафасида юртимизда илм ва маърифат билан барпо этилаётган Янги Ўзбекистон ғояси барчамиздан янада масъулият, фидойилик ва ҳамжихатликни талаб қилмоқда.

Чунки бизнинг энг катта бойлигимиз ҳам, энг устувор сармомиямиз ҳам – бу билим, ташаббускор, фидокор, юртини севувчи ёшлар. Улар таълим масканларида тарбия олмақда ва келажакнинг ҳақиқий эгаларига айланмоқда.

Шунинг учун ҳам, Янги Ўзбекистон пойдевори – илм, маърифат ва ёшлардир. Бу йўлда олға интилиш, ўзлигини англаган, билимли, ташаббускор ва юртига садоқатли ёшларни тарбиялаш — энг устувор мақсадимиз бўлиб қолади.

## НАЗОРАТ-ТАҲЛИЛ

Инсонни тушуниш нимадан бошланади?

Турмуши ва тафаккурини ҳис қилиш-чи? Бунга одамларнинг яқинида бўлиб, ёрдам бериб, хизмат қилиш завқини туйиш орқали эришилади. Ийманган ва самимий нигоҳлар қаршида ўзини кўрган кишигина буни чуқур англайди.

Ўзбекистондаги, маҳаллау хонадонлардаги муҳит, вазиятни ўз кўзи билан кўрмасдан, одамларимизнинг тақир-туқур рўзгорларига, камтарингига дастурхонларига яқин бўлмасдан, оилалардаги нафасни унинг ичида туриб ҳис қилмасдан туриб бу ҳақида баралла гапириб бўлмайди. Чунки ҳеч қандай изҳор одамнинг қўли билан тутиб кўргани, қалби билан ҳис этганига етмайди. "Маҳаллага бор", "уйма-уй юр", "муаммоларни одамларнинг ўзидан эшитиб, уларга ёрдам бер", деган топшириқлар моҳияти ҳам аслида шу. Бунинг таг заминиди одамларга самимий ҳурмат, халққа хизмат қилиш саодати турибди.

Сўнги йилларда халқ билан мулоқот анъанавий тусга киргани қанчадан-қанча фуқароларнинг жонига оро кирди, йиллар мобайнида эътибор марказидан қолиб кетган муаммолар ечилди. Бу жараёнда муҳим аҳамиятга эга бўлаётган омил эса изчилликдир.

Хабарингиз бор, партияимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва партия Марказий Кенгаши вакиллари, маҳаллий Кенгаш депутатларидан иборат ишчи гуруҳи аҳоли муаммоларини таҳлил қилиш ва уларга самарали ечимлар тақлиф этиш мақсадида вилоятларда ўрганишлар олиб бормоқда.

Ана шундай ўрганишларнинг бири 23-25 июль кунлари Жиззах вилоятида ўтказилди.

Фаолларимизнинг айтишига қараганда, бевосита мулоқот, юзма-юз учрашувларда нафақат шаҳар ва қишлоқларда аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган муаммолар ўрганилмоқда, балки айрим масалалар бўйича янги ва қўшимча маълумотлар юзга чиқмоқда, тақлифлар билдирилмоқда.

Бу жараёнда таълим, тиббиёт, ижтимоий ҳимоя тизими, камбағалликни қисқартириш ва бандлик, коммунал, уй-жой, пенсия таъминотида амалга оширилаётган ишлар ўрганилиши кўзда тутилган эди.

Хўш, натижалар нималар ҳақида сўзлади? Хулоса ва тақлифлар ҳақида яна нималар дейиш мумкин? Ишчи гуруҳи таркибида вилоятнинг шаҳар ва қишлоқларида бўлиб, сайловчиларнинг хоҳиш-истакларини ўрганган, муаммоларни ўз кўзи билан кўрган партияимиз фаоллари ушбу саволларимизга жавоб беришди:

**Мавжуда ҲАСАНОВА,**  
**ЎзХДП Марказий Кенгаши бошқарма бошлиғи:**

- Жиззах вилояти мамлакатимизнинг марказий қисмида жойлашган. Барча ҳудудлардаги каби вилоятда сўнги йилларда катта ўзгаришлар бўлди. Шаҳар ва қишлоқлар кундан-кунга ривожланиб бораёпти. Аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, эҳтиёжманд оилаларнинг ижтимоий ҳимоясига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биз буни жойларга чиқиб, ўз кўзимиз билан кўрдик.



Ислохотлар буй кўрсатаётганига яна бир бора гувоҳ бўлдик.

Ижтимоий соҳада амалга оширилаётган ишларни ўрганиш мақсадида ишчи гуруҳ аъзолари 1 та шаҳар, 12 та тумандаги 50 га яқин ижтимоий соҳа ташкилотларига борди, аҳоли вакиллари билан юзма-юз учрашувлар ўтказилди. Шунингдек, соҳаларда фаолият олиб бораётган масъуллар билан суҳбатлашдик.

**Ҳаёт бор экан, янгилинига эҳтиёж сезилверади. Йилдан-йилга кўпроқ эътибор қаратилаётган йўналишлардан бири, шубҳасиз, ижтимоий соҳадаги ислохотлардир. Дастурий мақсадларимизга ҳамоҳанг ва бевосита электоратимиз манфаатлари билан боғлиқ бўлгани учун пенсия тайинлаш борасидаги ишлар ҳолатини ўргандик.**

Маълум бўлишича, айна дамда вилоятда бир ярим миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Шундан пенсионерлар сони 37474 нафар. Уларнинг 5926 нафари ёшга доир пенсионерлар, 23969 нафари ногиронлик пенсияси ҳамда 4229 нафари боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олувчилар ҳисобланади.

Аҳоли билан юзма-юз мулоқотлар давомида пенсия таъминоти билан боғлиқ савол-жавоблар жуда кўп бўлди.

Шу ўринда айтиш керакки, вилоятда муҳтож оилалар ва эҳтиёжманд инсонлар

билан манзилли ишларни кучайтириш керак.

Шунингдек, туманлардаги ижтимоий соҳа объектида ҳам бўлдик. Соҳа мутахассислари билан суҳбатлашдик. Масалан, 40 дан ортиқ жамоалар даврасида бўлиб, уларнинг иш фаолиятини ўргандик.

Аҳолини қийнаётган муаммолар халқнинг ичига чуқур кириб борилгандагина яққол кўринади. Ўрганишлар, учрашувлар давомида 90 га яқин камчиликлар аниқланди.

Масалан, вилоят даражасида ҳал бўладиган масалаларга тўхталамиз. Ҳудудларда аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган масалалардан бири электр энергиясини тежашда маънан эскирган, хизматини ўтаб бўлган симёғочар ва кабелларни янгисига алмаштиришдир. Шунингдек, мактаб ва мактабгача таълим ташкилотларида кадрлар етишмовчилиги бор. Таълим ташкилотларини таъмирлаш ва реконструкция қилиш, дастурга киритиш учун қилинадиган ишлар кўп. Тўғри, улар баъзида аччиқ, аммо рўй-роҳ сўзлар.

Албатта, жойларда аҳолини қийнаётган муаммоларни ўрганиш, уларга ҳолис ва ҳаққоний баҳо бериш билан бирга камчиликларни бартараф этиш ҳам асосий вазифамиздир.

Муаммолар шунчаки ўрганилмайди, ўз ҳолига ташлаб қўйилмайди. Уларнинг натижаси юзасидан парламент

назорати, депутатлик сўрови, парламент сўрови, парламент эътизуви ташкил этиш белгиланди. Бу ҳолда 30 та ташкилотдан 39 та тақлиф олинди, 40 та масала аниқланди. Парламентдаги ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз билан бирга ушбу муаммонинг сабабларини илpidан игнасига қарай ўрганишга қарор қилдик.

**Зулайхо АКРАМОВА,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:**

- Халқ ва давлат бир мақсад йўлида бирлашса, жуда катта қудратга эга бўлади. Ҳукумат ва аҳоли ўртасидаги ўзаро ишончни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун ҳам мунтазам равишда мулоқот керак. Чунки қуруқ рақамлар билан фақат ўзимизнигина алдашимиз мумкин. Бир, икки муҳтож билан муаммолар ҳақида хулоса ҳам қилиб бўлмайди. Бунинг учун одамлар билан кўз-кўзга тушиб суҳбатлашиш керак

Шундан келиб чиқиб, партияимиз фаоллари ва депутатлар билан муаммоларни жойида ўргандик, эҳтиёжлар ҳақида одамларнинг ўзидан эшитдик. Шунинг учун ҳам тақлифлар аниқ асосга эга.

Масалан, маҳаллалар томонидан ижтимоий дафтларда рўйхатда турадиган фуқароларга субсидия асосида маҳсулотлар ажратиши ва субсидия маҳсулотлари етказиб беришнинг адолатли ва шаффоф тизимини яратиш керак. Туманларда марказий кўчаларда тунги ёриткичларни янгилаш зарур. Шунингдек, ногиронлиги бўлган

болаларнинг ота-оналари учун бепул онлайн курсларда ўқитиш орқали болаларни сифатли парваришлаш хизматини жорий қилишга эҳтиёж бор. Ногиронлиги бўлган фуқаролар ўртасида адаптив спорт турлари билан шугулланишни хоҳловчилар кўпчилигини ташкил этишини ҳисобга олиб, уларни етарли даражада спорт анжумлари билан таъминлаш керак. Чунки жамиятга қўшилиб, ҳаётини изга солган инсонлар қанча кўпайса, жамиятимиз асослари шунча мустаҳкам бўлади.

Шунингдек, Жиззах шаҳрида "Кимёгар" маҳалласидаги 13 та, "Қассоблик" маҳалласидаги 8 та ва "Иттифок" маҳалласидаги 30 та кўп қаватли уйларни ҳудудлардаги марказлашган иссиқлик тармоғига улаш кераклиги маълум бўлди. Ушбу муаммо ҳал этилса, юзлаб оилалар иситиш тизимига, иссиқлик манбаига эга бўлади.

Учрашувлар давомида шу каби муаммоларни очиқ-ойдин таҳлил қиялпмиз, муножаатлар эшитилаяпти, эътиборсиз қолмаяпти. Маблағ масаласида ҳам бугун маҳаллий ҳокимликларда имконият бор, фақат ҳомиёларга таяниб қолмаган, бюджетнинг орттириб бажарилган қисмидан депутатлар фикрини инобатга олиб, ҳудуд ва аҳоли манфаати учун фойдаланиш мумкин.

Айниқса, аҳоли саломатлиги, ижтимоий ҳимояси учун ажратилаётган маблағ салмоғи йил сайин ошиб бормоқда. Шунинг учун бугун ҳокимлар ва бошқа раҳбарлар, депутатлар халқнинг олдида боришдан, дардини эшитишдан чўчимайди, қочмайди. Зеро, халқ билан бундай мулоқот нафақат муножаатларни тинглаш, балки уларни жойида бартараф этишга ҳам қаратилган.

**Нуриддин ХОЛМАТОВ,**  
**ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши раиси:**

- Баҳмал туманида назорат-таҳлил ишларини олиб борганимизда "Илонли", "Оқтепа" ва "Сайёд" маҳаллаларида давлат мактабгача таълим ташкилоти йўқлиги маълум бўлди. Аҳоли вакиллари ушбу масала бўйича муножаат билан ҳам чиқишди.

Ўрганишларга кўра, давлат раҳбарининг 2021 йил 18 майдаги қарориди ҳудудда боғча ташкил этиш белгиланган, аммо уни қуриш пайсалга солиб келинмоқда. Ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш вазифаси олдимизда турган экан, бу масалага парда ортидан қарашга ҳаққимиз йўқ.

Назорат-таҳлил давомида маълум бўлишича, бугунги кунда камбағал оилаларга ҳоким ёрдамчиларининг тавсияномасига асосан кредит маблағлари ажратиб берилмоқда. Бироқ камбағал оила аъзолари тадбиркорлик кўникмалари йўқлиги учун олинган кредит маблағлари тўғри ишлатилмаслиги сабабли қарзга ботиб қолиши ҳолатлари кузатилмоқда.

Шуниси аниқки, одамларга ёппасига кредит бериш ёки пул тарқатиш билан камбағалликни енгиб бўлмаслигини исботлашга ҳожат йўқ, албатта. Шундан келиб, биз ўз тақлифларимизни ишлаб чиқдик. Айтилик, кредит олаш истагида бўлган камбағал оилаларнинг аниқ рўйхатини шакллантириш, шу асосида уларни тадбиркорликка бепул ўқитиш керак, деб ўйлаймиз.

Яна бир муҳим масала. Бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасаларида оилавий шифокорларга эҳтиёж бор. Чунки бўш ўринларга тиббиёт институтларини битириб келган ёш шифокорлар оилавий шифокор бўлиб беришга қизиқмайди, ишламасдан, ойлик маоши камлиги туфайли кетиб қолиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Шунингдек, туман марказий шифохонасида кардиология ҳамда лаборатория жиҳозлари эскирганлиги сабабли сифатли тиббий хизмат кўрсатишнинг имкони йўқ. Марказий шифохонада портатив УЗД ва портатив рентген, замонавий флюорография

усқуналарига эҳтиёж бор.

Кўриниб турибдики, жойларда ечимини қутаётган масалалар оз эмас. Қачонки, ҳар бир ҳудуд ва соҳадаги реал манзара, асл ҳолат ўрганилиб, муаммо юзга чиқсагина мутасадди ташкилотларнинг масъулияти, ҳисобдорлиги ҳам ошади.

Биз ушбу масалаларни ҳал этиш бўйича ишчи гуруҳи туздик. Маҳаллий Кенгаш депутатлари ва партия ҳудудий тузилмалари раҳбарлари ҳам аниқланган муаммо ва камчиликлар юзасидан ўзларига чора-тадбирлар белгилаб олишди. Уларни доимий комиссиялар ва сессиялар муҳокамасига ҳам киритамиз.

Чунки ўрганилган муаммоларнинг сессияларда муҳокама этилиши масаланинг илдиизига янада чуқурроқ етиб бориш, уларни бартараф этишга қаратилган тақлифларнинг кўпайишига хизмат қилади.

**Мамат ГУЛБОЕВ,**  
**халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгашидаги ЎзХДП депутати:**

- Аҳоли билан мулоқотлар давомида муножаатларни кўриб чиқишда фуқароларнинг реал эҳтиёж ва талабларини чуқур таҳлил қилиш, уларнинг йиллар давомида йиғилиб қолган муаммоларини аниқлаш ва тизимли ҳал этишга алоҳида урғу берилди.

Назорат-таҳлил давомида маълум бўлдики, Жиззах шаҳридаги 2, 3, 11, 13, 20, 21- сонли умумий ўрта таълим мактабларининг моддий-техник базасини янгилаш зарур. Ҳудуддаги 18-, 29-сонли умумий ўрта таълим мактабларида эса янги қўшимча бинога эҳтиёж бор. Қолаверса, қатор таълим масканлари тўлиқ қайта таъмирлаш дастурига киритилиши зарур.

Шу билан бирга, Жиззах шаҳридаги мактабларнинг рус синфлари учун бошланғич таълим, кимё, биология, физика, география, математика, информатика фанларини ўқитадиган педагоглар мутахассисларга эҳтиёж бор.

Ҳар томонлама баркамол авлоднинг вояга етказиш вазифаси олдимизда турган экан, мактабларнинг моддий-техника базасини яхшилаш, ўқувчилар учун барча шароитларни яратиш масаласини энг олдинги ўринларга қўйишимиз керак. Бусиз мақсадга эришиб бўлмайди.

**Яна бир муаммо. Вилоятимизга хорижий давлатлардан 120 та замонавий автобуслар келтирилган. Аммо Жиззах шаҳрида уларнинг йўналишлар бўйича ҳаракатланишида қутиш бекатлари етишмайди ва мавжуд автобекатларда йўл белгилари тўлиқ ўрнатилмаган. Тўғри, транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга эътибор ниҳоятда катта. Аммо автомобиллар ва йўловчилар, пиёдалар учун қулайликни ошириш ҳам муҳим талаблардан бири.**

\*\*\*  
Партияимиз фаолларининг айтишича, вилоятда олиб борилган ўрганишлардан яна кўплаб маълумот ва рақамлар бор. Гап кўрсаткичларда эмас, аниқланган муаммоларни вақтида бартараф этишда.

Шунинг учун партияимиз фаоллари, депутатларимиз парламент куйи палатасидаги фракцияимиз билан ҳамкорликда ҳудудларда назорат-таҳлил ишлари доирасида маълум бўлган муаммоларни бирин-кетин ҳукуматга олиб чиқиш чораларини кўради.

**Лазиза ШЕРОВА,**  
**"Ўзбекистон овози" муҳбири.**



ИЖТИМОЙ ҲАЁТ

# ТИББИЁТДА 90 КУНЛИК ЎЗГАРИШЛАР

## СИФАТ ВА НАТИЖАДОРЛИК ГАРОВИ



► (Давоми. Боши 1-бетда)



**Нигина ХИКМАТОВА, Ўзбекистон Фанлар академияси Иммунология ва инсон геномикаси институти Бухоро филиали директори, тиббиёт фанлари доктори**

1 июндан амалиётга киритилган ушбу дастурга кўра, қисқа мuddатда тиббиёт муассасаларида аҳоли учун қулай шарт-шароитлар яратиш, соҳа ходимлари иш самарадорлигини ошириш, кераксиз, бюрократик жараёнларни аниқлаш, одамларнинг мақсадсиз вақт йўқотишига олиб келадиган бюрократик тартиб-қоидаларни қисқартириш чора-тадбирлари кўзда тутилган.

**Хўш, ўтган вақт ичида бу дастур жойларда ўзининг нечоғлик ҳаётий тасдиғини топди? Тизимда қандай янгиликлар татбиқ қилинмоқда ва бу жараёнда тиббиёт таълими вақиллари ҳам иштирок этиптими?**

Ўзбекистон Фанлар академияси Иммунология ва инсон геномикаси институти Бухоро филиали директори, тиббиёт фанлари доктори Нигина ХИКМАТОВА билан суҳбатимиз, табиийки, шу мавзудан бошланди.

– Бирламчи тиббий муассасаларда сифат ўзгаришлари соғлиқни сақлашни халққа яқинлаштиришни, касалликлар профилактикаси,

оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришнинг муҳим шартларидан ҳисобланади, – дейди Н.Хикматова. – Президентимиз томонидан жорий қилинган “Тиббиётда 90 кунлик ўзгаришлар” дастури замирида ҳам шу мақсад турибди.

Жойлардаги оилавий шифокорлик пунктлари ва поликлиникалар фаолияти билан танишганимизда, ушбу дастур асосида белгиланган ишлар изчил амалга оширилаётганига гувоҳ бўляпмиз. Мисол учун, тиббий муассасаларда кутиш заллари, замон талабларига мос рўйхатхоналар ташкил қилиниб, аҳоли учун онлайн қабулга ўзлаш имкониятлари кенгайтирилиши, беморлар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун қўшимча имкониятлар яратилиши, “Она ва бола” хоналари очилиши, санитария-гигиеник ҳолатлари яхшиланиши инсонлар учун қулай ва муносиб муҳитни қарор топтиришга хизмат қилмоқда. Шу дамга қадар кўпчилик, айниқса, чекка ҳудудларда яшовчилар кўриб, кўникиб қолган манзара – санитария ҳолати бир аҳволда, ҳатто қўл ювишга ҳам шароит қилинмаган, шифокор эшиги олдида турнақатор навбатлар ҳосил бўлган, кутишга эса бўш ўриндиқ топилаётган шифохоналар юқоридаги дастур доирасида энди замонавий ва файзли масканларга айланмоқда.

Алоҳида таъкидлашни истардимки, “Тиббиётда 90 кунлик ўзгаришлар” дастуридаги мақсад ва вазифаларни рўёбга чиқаришда биз ҳам четда турганимиз йўқ. Хусусан, ёз мавсумида институтимизга бириктирилган маҳалларда ижтимоий таъминотга муҳтож оилалардаги аёлларни тиббий текширувга жалб қилиб, уларга зарур маслаҳатлар бериб келинапти. Масалан, яқинда Шофиркон туманида бўлиб, туғиш ёшидаги юзлаб аёлларнинг саломатлигини текширдик ва оғир ҳолатдаги беморлар учун консилиумлар ўтказдик.

Малакали ва кафолатланган тиббий хизматни қуйи бўғинлардан бошлаш, одамларнинг соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотлардан розилик даражасини оширишга йўналтирилган мазкур саъй-

ҳаракатлар бундан кейин ҳам фаолиятимизнинг ажралмас қисми бўлиб қолади.

**– Келинг, шу ўринда сиз раҳбарлик қилаётган Иммунология ва инсон геномикаси институти Бухоро филиали ҳақида ҳам ўқувчиларимизга маълумот бериб ўтсангиз?**

– Филиалимиз 2023 йилда очилган бўлиб, катта-кичик илмий ходимларнинг иммунология ҳамда инсон генетикасига оид илмий-тадқиқот ишларини Бухоро шаҳрида олиб бориш имкониятини яратди. Бу эса маҳаллий аҳоли орасида тез-тез кузатилаётган иммун ва ирсий касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ҳамда олдини олиш ишларини янги босқичга олиб чиқишга туртки берди.

Муассасамиз тиббиёт илм-фанининг энг илғор салоҳияти жамланган марказлардан бири бўлиб, бугунги кунда инновацион ютуқларга асосланган қатор лойиҳалар амалга ошириляпти. Бундан ташқари, касбий фаолиятида шу йўналишни танлаган PhD тадқиқотчилар, магистрлар ва ординаторлар учун ҳам ўзаро билим ва тажриба алмашиш майдони саналади.

**– Нигина Изатуллаевна, билишимизча, сизнинг илмий ва касбий фаолиятингиз бевосита аёллар саломатлигига дахлдор. 2012 йилда мастопатия мавзусида номзодлик, 2023 йилда иммунологик бепуштак бўйича докторлик диссертациясини ҳимоя қилган экансиз. Айнан бу йўналишни танлашингиз ҳам бежиз эмасдир?**

– Тўғри айтдингиз, илмий ва касбий фаолиятим ўзагида аёллар саломатлиги туради.

Аёнки, миллат генофонди, соғлом авлод тарбияси айнан аёллар саломатлиги билан чарбарчас боғлиқ. Турли ирсий касалликлар билан туғилишнинг, ногиронлиқнинг олдини олишдек муҳим вазифа ҳам хотин-қизлар ўртасида саломатлик кўрсаткичларини яхшилашни тақозо этади.

Хусусан, барча ёшдаги аёлларда учрайдиган мастопатия гормонал дисбаланс кўринишида пайдо бўлиб, ўз навбатида турли асоратли касалликларни келтириб чиқариши

мумкин. Статистик маълумотларга кўра, мастопатиянинг тарқалиши 40-60 фоизни ташкил этади. Кейинги тадқиқотим мавзуси – иммунологик бепуштак эса организмнинг ўз репродуктив тўқималарига қарши иммун жавоб шакллантириши билан боғлиқ бўлиб, замонавий биотиббиётда долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Мен учун бу тадқиқотлар фақат илмий изланиш эмас. Улар ортида аёллар бахти, оилалар саодати каби кенг маънавий-ижтимоий тушунчалар турибди. Бинобарин, илм — бу биргина назария эмас, балки инсоният тақдирига таъсир қиладиган, келажакка умид бағишлайдиган куч.

**– Бухорода ўзингиз очган “Doktor Nigin” клиникаси ҳам илмий-тадқиқот ва тиббий таълим маскани сифатида танлигидан хабаримиз бор. Очиги, кўпчиликнинг наздида хусусий клиникалар – бу ташхис қўйиш ва даволаш ишларини пулли хизмат асосида кўрсатадиган муассаса сифатида шаклланган. Лекин бундай фаолиятнинг тиббий таълим ҳамда илмий-тадқиқот билан уйғунлашиши камдан-кам учрайдиган ҳолат, шундаймасми?**

– “Doktor Nigin” клиникаси ташкил қилинганига олти йил бўлди. Муассасамиз Бухоро давлат тиббиёт институти учун клиник база сифатида ҳам хизмат қилади. Талабалар бу ерда амалий машғулотлар ўтказиши, илмий ишлар учун тажриба базаси шакллантирилади.

Бундан ташқари, бизда маҳаллий аҳоли учун чуқурлаштирилган бепул кўриклар мунтазам ўтказилади. Маҳалла институти, шаҳар-туманлардаги оила ва хотин-қизлар бўлимлари ҳамда бирламчи тиббий муассасалар билан яқин ҳамкорлик клиникамизнинг, таъбир жоиз бўлса, “ижтимоий юзи”га айланган. Клиникамизда тадқиқот, таълим ва амалий тиббиёт уйғун ҳолада ривожланмоқда.

Мен тиббиётни танлаб, шу соҳанинг қаттиқ нонини ейишни ниёт қилган йигит-қизларга доим



**МАЛАКАЛИ ВА КАФОЛАТЛАНГАН ТИББИЙ ХИЗМАТНИ ҚУЙИ БЎҒИНЛАРДАН БОШЛАШ, ОДАМЛАРНИНГ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОХОТЛАРДАН РОЗИЛИК ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН МАЗКУР САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР БУНДАН КЕЙИН ҲАМ ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ БЎЛИБ ҚОЛАДИ.**

бир гапни айтаман: шифокорлик — бу фақат беморларни даволаш эмас, балки инсонларни юрак билан тинглаш, тушуниш ва уларга умид бағишлашдир. Бугунги тиббиёт янги-янги ўзгаришларга юз тутаётган бир даврда замонавий билимларни пухта эгаллаш баробарида ёнимизда юрган устозлардан ҳаёт илмини, улардаги камтарликни ва халққа қайишишдек эзгу фазилатни ўрганишларини бот-бот эслатаман.

Соғлиқни сақлаш тизимининг замон талаблари даражасида ривожланишида, янги сифат ўзгаришларида оилавий шифокорлик пунктидаги ўрта тиббиёт ходимидан тортиб, тиббиёт олийгоҳларидаги профессорларгача фаол иштирок этмоғи ҳаётий зарурат. Бу орқали биз мамлакатда ижтимоий барқарорликка, асосийси, халқимизнинг узок ва соғлом умр кечиришини таъминлашга ўз ҳиссамизни қўшамиз.

**Журналист  
Гулчехра МИРЗАЕВА  
суҳбатлашди.**

### МУЛОҲАЗА

Ҳар гал Фарғонадан Тошкентга хизмат сафари билан йўлга чиққанимда, “Қамчиқ” доғидаги халқимиз тилида “перевал”даги савдо ва овқатланган нуқталарида тинмай ишлаётган ўспиринларга кўзим тушади.

Кунги кеча ҳам шундай манзаранинг гувоҳи бўлдим. Йўл ёқасидаги ошхоналарда болаларнинг тун ярмида ҳам официантлик қилаётганига дуч келдим. Буюртма бериш баҳонасида улар билан бир неча дақиқа суҳбатлашдим. Бири таътилдан фойдаланиб, ишлаётгани ва оиласига ёрдам бераётганини айтса, яна бири “мактаб формаси”ни сотиб олиш учун пул топиш илжинида бу ерга келганини таъкидлади. Суҳбат асносида билдимки, уларга арзимас маош берилади, қўшимча ҳақ ёки имтиёзлар ҳақида-ку, гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Улар ёзининг иссиғи, қишнинг совуғига қарамасдан, тоғ йўли бўйлаб келаётган йўловчиларга хизмат кўрсатишади. Савол туғилади: улар қонуний ишлаётими? Бу болаларнинг меҳнат ҳуқуқлари ҳимоя қилинаётими?

“Қамчиқ” орқали пойтахт ва водий вилоятларига ҳар кунги минглаб одамлар ўтади. Табиийки, улар орасида меҳнат муносабатлари билан шуғулланувчи ташкилот вақиллари ҳам бор. Аммо нега улар бу манзарага бефарқ қарамоқдалар?

Агар ҳар биримиз шундай ҳолатни кўриб, камида “Бу бола негга тунги сменада ишлапти?”, “У меҳнат шарномамисига эгами?”, “Таълими-чи, соғлиғи-чи?” каби

## ЭЪТИБОРСИЗЛИК – СУКУТ, СУКУТ ЭСА ЖИНОЯТГА ШЕРИКЛИК БИЛАН ТЕНГ



саволлар билан иш берувчиларга юзма-юз бўлсак, бир кун келиб жавобгарликни англаган иш берувчи бу болалар меҳнатидан фойдаланишда виждонан ёндашган ва болалар ҳуқуқига ҳурмат кучайган бўларди.

Баъзи тадбиркорлар айни ҳолатни “ёрдамчи қўл”, “оиласига ёрдам берапти”, деб оқлашга уринишади. Аммо биз ҳақиқий ёрдамни қонунга асосланган меҳнат, таълим имкониятлари ва болаларнинг келажагини таъминлаш орқали беришимиз мумкин.

Бу ерда масала фақат ишбилармонликда эмас, инсонпарварлик, инсоф ва виждон ҳақида кетмоқда. Биз тадбиркорлардан қонунга бўйсунган ҳолда, ватанпарварлик

ва одоб-ахлоқ меъёрларига мувофиқ ҳаракат қилишларини кутамиз. Жамиятнинг ишончи ва ҳурматини қўлга киритиш қилаётган фойдадан ҳам муҳим эканини англаш пайти келди.

Болаларнинг ҳаёти ҳақида сўз борганда эътиборсизлик – сукут, сукут эса жиноятга шериклик билан тенг. Унутмаслик керакки, вояга етмаганлар меҳнати фақат қонун эмас, балки миллат келажағи масаласи ҳамдир.

Ёш организмга тушаётган оғир жисмоний зўриқиш, мунтазам режимсиз иш ва стресслар кейинчалик саломатлик билан боғлиқ талай муаммоларига олиб келиши шубҳасиз. Болалар организмиз ҳали шаклланиш жараёнида. Биз бугун пул

топяпти, деб хурсанд бўлаётган бола эртага бир умрлик жароҳат ёки руҳий оғриқлар билан яшаши мумкин.

Бу йўсинда меҳнат ҳуқуқлари бузилган болаларнинг билим олиш имкони ўз-ўзидан чекланади, камбағаллик даврини узайтиради, жамиятда тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб шаклланишига тўсқинлик қилади. Бола меҳнати ортидан келган пул ҳеч қачон у йўқотган имкониятларни қоплай олмайди.

Яна бир таассуфли томони, туристлар буни қандай қабул қиладилар? “Қамчиқ” йўлидан кунига юзлаб хорижий туристлар ҳам ўтади. Улар учун ҳар бир таассурот – Ўзбекистон ҳақидаги умумий тасаввурнинг бир бўлағи. Бугунги глобал дунёда мамлакат имижига – бу сармом, ўзаро ҳамкорлик, халқаро муносабатлар учун асосий омиллардан бири.

Биз ўзи ким бўлишни истаймиз? Қонуни бор, аммо унга амал қилмайдиган беъэтибор одамларми? Ёки қонунийлик, инсонпарварлик ва адолатни қадрлайдиган халқми?

Вояга етмаган болаларнинг меҳнатига сукут сақлаш имжаси ижтимоий масъулият ва инсонийлик мезони ҳисобланади. Келинг, бу масалада ҳамжиҳат бўлайлик.

**Шоҳруҳ ҲАММОНОВ,  
ЎЗХДП Фарғона вилоят Кенгаши  
раиси,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси  
ҳузуридаги  
Ёшлар парламенти раиси  
ўринбосари.**



**СПОРТ**

**ЎЗБЕКИСТОН  
НУФУЗЛИ  
ЧЕМПИОНАТГА  
МЕЗБОНЛИК ҚИЛДИ**


**Жорий йилнинг 24 июль - 3 август кунлари Тошкентда волейбол бўйича U-19 ёш тоифасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.** Дунёнинг турли нуқталаридан миллионлаб волейбол ишқибозлари ўн кун давомида Ўзбекистон спорт майдонларидаги қизғин беллашувларни зўр иштиёқ билан кузатди, десак янглишмаймиз. Айтиш лозимки, ушбу спорт тури бўйича нуфузли мусобақага минтақамизда илк бор Ўзбекистон мезбонлик қилди.

Пойтахтимиздаги "Юнусобод" спорт саройи ҳамда Чирчиқ шаҳридаги Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети мажмуаларида ўтган беллашувларда 24 та давлатдан жамоалар тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда фолиблик учун кураш олиб борди. Жаҳон чемпионатининг "А" гуруҳида миллий терма жамоамиз дастлаб туркиялик рақиблари билан майдонга тушди. Кескин ва муросасиз кечган учрашувда вакилларимиз туркиялик тенгқурларини 25:22, 25:19, 25:17 ҳисобида мағлубиятга учратди. Шундан сўнг, афсуски, Покистон жамоасига қарши

ўйинда 0:3 ҳисобида имкониятни бой берди. Чемпионатнинг учинчи кунда Ўзбекистон терма жамоаси Пуэрто-Рико жамоаси билан рўбарў келди. Ҳамюртларимизнинг техник-тактик жиҳатдан устунлиги учта сетда ҳам ўз самарасини берди ва Пуэрто-Рико жамоасини 3:0 ҳисобида (25:18, 25:21, 25:14) мағлуб этди. Аргентина ва Бельгия жамоаларига қарши ўйинлар спортчиларимиз учун муваффақиятсиз бўлди. Эътиборли жиҳати, мазкур жаҳон чемпионатида Ўзбекистон U-19 терма жамоаси гуруҳ босқичида 2 та ғалаба эвазига 4-ўринни эгаллаб, 1/8 финал

босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди ва "С" гуруҳида 1-ўринни эгаллаган италиялик спортчилар билан беллашди. Катта тажрибага эга италиянлар мезбон жамоага имкониятни бой бермади. Ҳисоб 3:0. Жаҳон чемпионати финалида Франция ва Польша жамоалари ўзаро тўқнаш келган бўлса, Испания ва Эрон жамоалари 3-ўрин учун кураш олиб борди. Натижага қўра, франциялик спортчилар польшалик рақибларини 3:1 ҳисобида мағлуб қилиб, кетма-кет иккинчи бор жаҳон чемпиони бўлди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ тайёрлади.**



**ҲИКМАТЛИ  
ДУНЁ**

**Тилингдан олдин қалбингни тарбия қил. Чунки сўз қалбдан келиб, тилдан чиқади.**

\*\*\*  
**Эй, дил! На битмас хазинасан, на давосиз дард.**

\*\*\*  
**Минг йил ўқисаму, мендан «нимани билдинг», деб сўрасалар, «ҳаддимни билдим» дейман.**

\*\*\*  
**Дедиларки, кўздан йироқ кўнгилдан йироқ. Дедимки, кўнгилдаги кўздан йироқ бўлса не наф?**

\*\*\*  
**Одамлар суратини безатса, сен сийратингни бега. Одамлар бошқалар айбидан сўз очса, сен ўз қусурингни ўйла.**

\*\*\*  
**Гулнинг гўзаллиги уруғидан; инсоннинг ҳусни эса қалбидандир.**

\*\*\*  
**Ҳожат эмас, ҳаммасини сўзла баён қилмоққа, бир боқмоқ минг сўздан яхшидир англаганга.**

\*\*\*  
**Ҳар неки бўлса шукр қил, бунинг ортида сенга ҳидоят бордир.**

\*\*\*  
**Сув ташналикни қондирганидек ҳақиқат қалбни юксалтиради.**

\*\*\*  
**Инсонга қўл-канот ақлдир. Одамнинг ақли бўлмаса ўзига бошқа бир ақлни йўлбошловчи қилиши керак. Ё устун бўл, ё устунлик изла, ё фикр соҳиби бўл, ё фикр соҳибини изла.**

\*\*\*  
**Сабр – инсонни мақсадига энг тез олиб борадиган йўл кўрсатувчидир.**

\*\*\*  
**Инсонлардаги гўзаллик бу – юздир, юздаги гўзаллик эса – кўздир. Аммо, инсонни инсон қилган бу унинг тилидан чиқадиغان – сўздир.**

\*\*\*  
**Ҳақиқий дўстлар қўл билан кўз кабидирлар. Қўл оғриганда кўз йиғлайди, кўз йиғлаганида, қўл уни артади.**

**Жалолиддин РУМИЙ**



**ЖУРНАЛИСТ СУРИШТИРУВИ**

**“ХАЙРОБОД” ҚАЧОН ОБОД БЎЛАДИ?**



Ободлик кўнгилдан бошланади. Бағрикенг ва ташаббускор инсонлар ҳар бир қарич ерни гулзорга, аҳоли манзилларини боғ-у бўстонга айлантиришга муносиб ҳисса қўшадилар. Ривожланиш ва тараққиётга мустаҳкам тиргак бўладилар. Аммо орамизда ўз вазифасига панжа ортидан қарашдек номақбул иллатга “эл бўлган” одамлар ҳам йўқ эмас. Сўрхондарё вилоятининг Шўрчи туманидаги “Хайробод” МФИда ана шундай сансалорликларга гувоҳ бўлдик. Гап шундаки, ҳудуддаги 11-ҳамда 12-сонли кўп қаватли уйлар атрофидаги машашлар кўпдан буён давом этиб келмоқда.

– Эллик йиллик муаммолар бор бизда, – дейди шу ерда яшовчи Розия Махатова. – Қай бирини айтмай?! Утган асрнинг 70-йилларида барпо қилинган бу турар жойларда оқова сув тизими ўрнатилмаганидан гапирайми ёки дарду ташвишимизга айланган чиқинди масаласиними? Тиканлар билан қопланган мана бу қўрқинчли “чакалакзор” ҳақида-ку, гапирмаса ҳам бўлади...

– Масъулларнинг хабари борми булардан? – сўраймиз Р. Махатовадан.

– Ҳамма билади, – дейди суҳбатдошимиз. – Маҳалла раисидан тортиб туман ҳокимигача кўрган. “Тоза ҳудуд” корхонаси туман филиали ҳам, кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатувчи бошқарув сервис компанияси бу муаммоларимиздан ўзларини соқит қилишга уринишяпти. Хуллас, “дом”да яшаётганлар учун соя-салқин жой орзу бўлса,

болажонларимизга ўйингоҳ армонлигича қолмоқда.

Кенг майдонни қақроқ чўлга қиёслаш мумкин. Эллик тупга яқин мевали дарaxтнинг бир қисми сувсизликдан “жон” таслим қиялпти. Уйларнинг олди ҳар жой-ҳар жойи кавлаб ташланган. Кўпдан буён супурилмагани шундоқ кўриниб турибди. Ариқларда чиқинди ва ташланмалар тўпланиб қолган. Ёзининг иссиқ кунда улардан чиқаётган ҳидга чидаб бўлмайдди.

Кўнгилни хира қиладиган бу ҳолат қачон яхшиланади? Мутасаддилар нима дейди бунга?!

**Машъал ПОЁНОВА,**  
**“Хайробод” маҳалла фуқаролар йиғини раиси:**

– Уч йилдан буён МФЙ раиси сифатида фаолият олиб боряпман. Ёлланма ишчиларга пул бериб, шу жойларни бир неча марта тозалаттирдим. Бундан одамлар тўғри хулоса чиқарса керак, деб ўйлагандим. Афсус, адашган эканман. Тескариси бўлди. Ҳамон одамларимиздаги боқимандалик, лоқайдлик, бепарволик ва ўзибўларчилик давом этяпти. Инсон ўзи яшаётган жой тозаллиги, ободлиги учун масъул. Лекин маҳалладошларимиз орасида буни унутиб, бошқаларни айбдор биладиганлар бор.

Поклик – иймодан, дейдилар. Ташландик жойни ҳашар йўли билан кўркам масканга айлантирсак болажонлар учун ҳам, ўзимиз учун ҳам, келажак авлод учун ҳам яхши бўларди...

**Беҳзод МУЗАФФАРОВ,**  
**“Тоза ҳудуд” давлат унитар корхонаси Шўрчи туман филиали раҳбари ўринбосари:**

– Уйлар оралиғида махсус жой

ташқил қилиниб, учта кичик “контейнер” жойлаштирилди. Назоратчи қўйилган. Чиқинди ва ташланмаларни олиб кетиш учун махсус техника ажратганмиз. Ҳар куни икки марта келади...

Бугун яна камчиликлар борлиги аниқланди. Уларни бартараф қилиш ва ечим топиш чоралари кўрилади. Энг кечи билан бир ойда ҳам кузатув камерасини ўрнатамиз, ҳам чиқинди ташлайдиган янги ускуна қўйилади. Шу ўринда яна бир нарсани айтмоқчиман: атроф-муҳит озодлиги ва ободлигига юртдошларимиз ҳам ўз ҳиссаларини қўшса, фаол бўлишса, кўзланган мақсадга эришардик.

**Ҳусниддин БОБОНАЗАРОВ,**  
**Шўрчи туман бошқарув сервис компанияси раҳбари:**

– Ҳозирги кунда 2 минг 350 нафардан ортик аҳоли ёки 870 га яқин хонадонга хизмат кўрсатиб келяпмиз. Тасарруфимизда 47 та кўп қаватли уй бор. “Хайробод” маҳалласидаги 11-ҳамда 12-уйлар оралиғидаги жой ҳақиқатан ҳам оғрикли нуқталардан бўлиб қолмоқда. Бунинг ўзига хос сабаблари бор: биринчидан, собиқ тузум даврида оқова сув тармоғи қўйилмаган бўлса, иккинчидан, одамларнинг қўлбола хандақ ва ўра қазиганидир. Бу ерда техника ҳаракатланиши нари турсин, ҳатто бир қадам киролмайди ҳам. Чор тараф “илма-тешик” қилиб қазиб ташланган.

Албатта, нима бўлганда ҳам, қулайлик яратиш бурч ва вазифамиз ҳисобланади. Ваъда бериб айтманки, бир ойда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилади. Келажакда болалар майдончасини ҳам қуриб, махсус ўриндиклар қўйиш кўзда тутилган. Бу эса вақт ва маблағ талаб қилишини унутмаслик керак.

Ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликда ҳикмат кўп. Аҳоли фидойилик намуналарини кўрсатиб, ҳокимлик масъуллари элга бош бўлса, “Хайробод” росмана обод манзилга айланишига ишонамиз.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**  
**“Ўзбекистон овози” муҳбири.**

**ТАҲРИРИЯТДАН:** журналист суриштирувидан кейин, айни кунларда Шўрчи тумани ҳокимлиги бошчилигида “Хайробод”да ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилгани маълум қилинди. Демак, “Хайробод”дан хайрли хабарлар кутамиз.



**MUASSIS:**

**O'zbekiston Ovozi**  
**ТАҲРИР НАҲҲАТИ:**

Ulug'bek INOYATOV  
Ulug'bek VAFOYEV  
Maqsuda VORISOVA  
Qalandar ABDURAHMONOV

Guliston ANNAQILICHEVA  
Muslihhiddin MUHIDDINOV  
Olim RAVSHANOV  
Toشتهмир XUDOYQULOV

**Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA**

**MANZILIMIZ:** 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3

**Телефонлар:** (71) 239-12-14  
**Реклама бўлими:** (91) 190-19-49. **E-mail:** uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.  
Korxonа manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: **Ravshan SHODIYEV**

Г — 837. 1603 nusxada bosildi. О'zA yakuni —  
Nashr ko'rsatkichi — 220. Topshirilgan vaqti — 21:00  
t — Tijorat materiallari 1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.